ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ ФАЛСАФИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

З.Ҳамидов

Мақола ўрта асрларнинг йирик мутафаккири Юсуф Хос Ҳожибнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашлари таҳлилига бағишланган.

***Калит сўзлар**: муроса фалсафаси, борлиқ, инсон, билиш, адолат, бахт-саодат, ақл-заковат, ҳаётнинг мазмуни, ўлим ва мангулик, касб-ҳунар одоби, ахлоқий тарбия.*

Статья посвящена анализу философских, общественно-политических и нравственных воззрений крупного мыслителя средневековья Юсуфа Хос Хожиба.

***Ключевые слова**: философия примирения, бытие, человек, познание, справедливость, счастье, разум, смысл жизни, смерть и бессмертие, профессиональная этика, нравственное воспитание.*

The article is devoted to the analysis of philosophical, social-political and moral viewpoints of great intellectual of the middle ages Yusuf Khos Hojib.

***Key words**: philosophy of reconciliation; all beings, human, learning, justice, happiness, intelligence, the meaning of life, death and eternity, propriety of profession, moral education.*

Йирик шарқшунос олим А.Н.Кононов “Қутадғу билиг” ҳақида “... жамиятдаги инсон хаётининг мазмуни ва аҳамиятини таҳлил қилувчи фалсафий асардир” деб ёзган [1.507]. Бу бежиз эмас. Китобда кўтарилган фалсафий муаммоларнинг доираси ўта кенг ва ранг-баранг: олам ва унинг тузилиши, табиат универсуми, онг, инсон, ҳаётнинг мазмуни, ўлим ва мангулик, билиш, ўқув ва уқув, касб-ҳунар эгаллаш, оила ва тарбия масалалари.

Асар – адибнинг турмуш тарзи, ҳаётий позициясининг фалсафий мушоҳадаси, назарий умумлашмаси. У муроса фалсафасининг илк ёрқин намунасидир. Унда Шарқ перипатетиклари (Арасту таълимоти тарафдорлари)нинг, хусусан, Форобий, Беруний, Ибн Синоларнинг, шунингдек, тасаввуф фалсафасининг таъсири яққол сезилиб туради. Муаллифнинг фалсафий қарашларида позитивизм элементлари мавжуд. Адиб ўрта аср мутафаккирлари дунёқарашидаги реалистик ғояларни ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшган.

Борлиқ ва унинг тузилиши ҳақидаги фикрлар таҳлили муаллифнинг табиатшунослик илмларидан яхши хабардорлигини кўрсатади. Унинг бу соҳадаги қарашлари Арасту ва Птоломей қарашларига яқин, тасаввури пантеистик характерда: табиатни, борлиқни худонинг зуҳуроти тарзида қабул қилади. Унингча, худо – субстанция, дунёнинг шахссиз, илк сабабчиси; борлиқ ва ундаги нарсалар ягона ибтидодан босқичма-босқич пайдо бўлган.

Асарнинг етти сайёра ва ўн икки бурж ҳақидаги бобида бутун олам ва оламдаги барча жонсиз ва жонли мавжудотлар халойиқ учун худо томонидан яратилгани таъкидланади. Борлиқнинг, жумладан, самовий жисмларнинг доимий ҳаракатда экани, сайёра ва юлдузлар доим айланиб туриши, уларнинг баъзилари юқорироқда, баъзилари қуйироқда ҳаракат килиши айтилади. Ернинг думалоқ ва ўз ўқи атрофида айланишини, йил фасллари ва кеча-кундузнинг алмашинуви шу билан боғлиқлиги назарияси ёқланади.

Асарда борлиқ тўрт моддий унсурдан: ўт, сув, ҳаво ва тупроқдан пайдо бўлгани, бу унсурлар ўзаро зид ва айни пайтда бир-бирини тақозо қилиши, моҳиятан яхлит бўлган олам ўзининг табиий қонунлари асосида мавжудлиги уқтирилади. Файласуфнинг содда материализми унинг стихияли диалектик қарашлари билан боғлиқ. Унингча, табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисалар ўзаро боғлиқ ва ривожланишда, олам чексиз ва ранг-баранг, у – объектив, инсон индивидумига боғлиқ эмас. Инсон дунёда, табиатда яшайди. Унинг борликдаги бошқа конкрет буюм ва жонзотлардан туб фарқи фикрлаш, билиш ва яратиш қобилиятига эгалигидадир.

Юсуф Хос Ҳожиб борлиқнинг тўрт унсурдан пайдо бўлгани ҳақидаги таълимотни ривожлантириб, уни ижтимоий борлиққа ҳам татбиқ этади. Унингча, ижтимоий борлиқнинг тўрт унсури – ибтидоси адолат, бахт-саодат, ақл-заковат ва қаноатдир. Мазкур тўрт инсоний қадрият инсон ҳаёти моҳияти ва фаолиятининг асоси ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлиши лозим.

Асарда гносеология масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Китобнинг номланишиёқ (“Қутадғу билиг” - “Саодатга йўлловчи билим”)

билишнинг аҳамияти ва имкониятларига қатъий ишончни намоён қилади. Асарда билиш, унинг табиати, чексизлиги, битмас-туганмаслиги масалаларига кенг ўрин берилган. Муаллифнинг бу борадаги қарашлари материалистик тенденцияга эга. У ўз қарашларида Форобий ва Ибн Сино йўлидан бориб рационализм позициясида туради.

Мутафаккир уқтиришича, билиш – борлиқнинг объектив инъикоси, у – жараён, инсон реал воқелик билан чамбарчас боғлиқ. Инсоннинг моҳияти – билишда, билиш инсонлар ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Юсуф Хос Ҳожиб атроф-муҳитни, бизни қуршаб турган моддий оламни бутун ранг-баранглиги билан билиш имконияти мавжудлиги ва бу зарурият эканлигини тўғри англаб етди. У ақл билим машъаласи билан ёритилишини, билиш илмсиз бўлмаслигини, дунёнинг, ҳаётнинг моҳиятини англаш, уни чуқурроқ билиш, ақлнинг ижодий, яратувчилик кучидан самаралироқ фойдаланиш учун инсон ўз билим ва уқувини доим тўлдириб бориши зарурлигини уқтиради. Зеро, билим инсонга соғлиқ, ақл, жон, бахт-саодат бағишлайди (“Жаҳонда билимдан қадрлироқ нима бор?”).

Адибнинг борлиқ, шу жумладан, табиат ҳодисалари моҳиятига кириб бориш жараёни чегара билмаслиги тўғрисидаги фикрлари ғоят эътиборлидир. Унингча, билиш инсон ҳаёти фаолиятини тўғри йўлга солишга хизмат қилиши керак. Билиш одамнинг реал ҳаёт билан мустаҳкам алоқасини таъминлаши, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиши, ерда бахтли турмуш яратиши учун хизмат қилиши шарт.

Юсуф Хос Ҳожибнинг билиш тўғрисидаги ғоялари юксак инсонпарварлик руҳи билан суғорилган бўлиб, бу ҳолат ўша давр ижтимоий-маърифий муҳити учун буюк жасорат, ғоят прогрессив ҳодиса эди. Айни пайтда мутафаккирнинг гносеология соҳасидаги қарашларида чекланганлик ва бир томонламаликни кўрамизки, бунинг сабабини ўша давр даражасидан излаш жоиз.

Табиат ва жамият воқеа-ҳодисалари, жараёнларини ёритар экан, адиб уларда фалсафий қонунлар ва категорияларнинг амал қилишини кўрсатувчи ўнлаб, юзлаб мисоллардан унумли фойдаланадики, уларнинг моҳирона ва ўз ўрнида қўлланиши ҳар қандай ўқувчини ҳам ҳайратга солади. Зоҳид Ўзғурмиш Кунтуғдига (фуқаро подшога) панд-насиҳат қилар экан, уқтирадики, дин ва дунё йўналиши қарама-қарши, иккаласининг йўли айри, қовушмайди, бири яқинлашса, бири узоқлашади, иккаласини бирга тутса, киши йўлдан озади. Ёки яратилган нарса бўлса, албатта, йўқ бўлади, дунёга келган нарса кетади; севинч истасанг, қайғу туташиб юради (Диалектика, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни). Киши қанча улғайса, бош оғриғи шунча кўпаяди; ғофил бўлма, тириклик сезилмасдан ўтиб кетади, ўтаётган ушбу вақт, кунлар яна қайтмайди (Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни). Ой туғилганда кичик туғилади, сўнг улғаяди, юқори кўтарилади, тўлишиб, энг баландга кўтарилгач, емирила бошлайди, қайта туғилган кечадан бошлаб, яна тўлишади (Инкорни инкор қонуни). Қовуннинг ташқи кўриниши қанчалик чиройли бўлса ҳам, ичида (мазаси) тоти бўлмаса, уни четга отиш керак бўлади (моҳият ва ҳодиса, зоҳирийлик). Тангри барча нарсага сабаб яратади, барча яхши ва ёмон унга боғлиқдир, ўғил-қиз сабаби – ота ва она, хулқи бузилса ёки қайтадан яхшиланса, улар унга сабаб (сабаб ва оқибат). Бу дунёнинг ичи бир экинзордир, нима эксанг келгусида ўша унади (имконият ва воқелик).

Юсуф Хос Ҳожиб ўз ижтимоий-сиёсий қарашларида етук аллома, доно сиёсатчи, моҳир тарбиячи, эл-юрт фидойиси сифатида намоён бўлади. Унинг бу соҳадаги фикр-мулоҳазалари кенг қамровли ва чуқур. Юксак амалий ҳаёт тажрибасига эга бўлган, теран мушоҳадали арбобнинг кўрган-кечирганлари, ўй-хаёллари, эзгу орзу-истаклари давр ҳаётининг инъикосидир. У қорахонийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини, социал-синфий тузилишини таҳлил қилади. Турли ижтимоий қатламларнинг мулкий (бой, камбағал), касбий (деҳқон, чорвадор, ҳунарманд, савдогар), табақавий (қуйи ва юқори) бўлинишини, уларнинг жамият ҳаётидаги мақоми ва ролини реалистик ёндашув орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Жамият сиёсий тузилмаси фаолиятини яхшилаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги эзгу ғояларини рўёбга чиқариш омилларини аниқлашга ҳаракат қилади. У мамлакатни қурол кучи билан узоқ бошқариб бўлмаслигини, бунинг учун яхши ташкиллаштирилган давлат бошқарув тизими бўлиши кераклигини яхши тушунади. Унингча, давлатни бошқариш, жамият ҳаёти фаровон бўлишининг энг ишончли ва самарали воситалари адолат, маориф ва фандир.

Асарининг бош қаҳрамони қилиб Кунтуғди образининг олиниши ва унинг адолат рамзи сифатида идеаллаштирилишида чуқур фалсафий маъно бор. Юсуф Хос Ҳожиб адолатнинг куни туғишини чин дилдан орзулайди. Бекни Қуёшга менгзайди. Зеро, Қуёшнинг сифатларида: ўзи куйиб бошқаларга ёруғлик улашиши, ҳамма нарсаларга бирдек нур сочиши, барқарорлиги, етуклиги, поклиги, мангулиги, ноёблигида адолатни кўради.

Одил подшо – бекнинг адолатлилиги муаммоси асарнинг бош мавзуси. “Адолат” тушунчаси Юсуф Хос Ҳожиб ижтимоий-фалсафий таълимотининг мутлақ ва объектив асосини ташкил этади. Унингча, адолат – барча эзгу фазилатларнинг ўқ илдизи, бошқа барча ахлоқий тушунчалар, тамойиллар ва меъёрлар ундан озуқа олади. Адолат, энг аввало, инсонга инсоний муносабатда, инсонпарварлик муносабатида бўлишда намоён бўлади. Адолат жамият ривожини ҳаракатга келтирувчи куч, давлатни бошқаришнинг дастлабки ва белгиловчи шартидир. Одилликка асосланган жамиятнинг барча аъзолари, у хоҳ давлат бошлиғи бўлсин, хоҳ оддий фуқаро, ўзаро муносабатларини тенглик, адолат асосига қуриши, ўз ижтимоий-сиёсий мавқеи, бажараётган вазифаси, касб-кори характеридан келиб чиқиб бурчини ҳалол бажариши лозим.

Ҳокимиятнинг устуни – адолат деб ҳисоблаган мутафаккир бекни адолат билан сиёсат юритишга чақиради, унга маърифий таъсир ўтказишга ҳаракат килади, давлат аъёнларини адолат меъёрларига қатъий риоя қилишга ундайди. Ўғдулмиш (ақл) номидан Кунтуғдига панд беради: бекликни сенга худо ато этган, бунинг шукрини қил, меҳрибонлик билан халққа адолат қил, халқнинг дуосини ол, элда яхши хотира қолса, бу яна бир тириклик, яъни абадий ҳаёт бўлади. Ҳар ишни кенгаш билан қилиш керак, ҳамма қилинадиган ишлар учун кенгаш дори-дармондир.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳокимиятни бошқаришнинг тираник усулига мутлақо қаршилигини очиқ-ойдин ёзади: адолат билан эл ривожланади, олам гулистон бўлади, зулм туфайли эл инқироз топади, олам бузилади. У кўп ҳолларда оддий халқ ҳис-туйғулари, руҳияти, эҳтиёж, интилишлари, орзу-умидларини ифодалайди, бекнинг тинчлиги, мамлакатнинг фаровонлиги, гуллаб-яшнашини халқнинг моддий таъминланганлиги билан боғлайди.

Асарда олға сурилган одил подшо, одил жамият ғояси Форобий қарашлари билан ҳамоҳанг. Зеро, бунда ҳам Форобий сингари ҳокимнинг маънавияти, ахлоқий сифатларида қонунларни амалга оширишнинг кафолати ва адолатнинг тантанаси кўрилади [2.159-161].

Юсуф Хос Ҳожиб худо ва инсон бирлигига алоҳида эътибор қаратади. Унингча, худо инсонни мукаррам зот килиб яратган. Инсон ўзининг барча табиий ҳамда ижтимоий эҳтиёж ва истакларини қондиришда эркин. У ҳаётининг мазмун-моҳиятини ўз хоҳиш ва имкониятлари, қизиқиш ва мақсадлари доираси ва даражасида ўзи белгилайди. У Оллоҳ йўлида, унинг марҳамати йўлида яшайди, меҳнат қилади, уни қалбига жо қилиб, унга муттасил интилади. Инсон худога фаол узлатга чекиниш, ҳаётий муаммолардан юз ўгириш ҳисобига яқинлашмайди. Аксинча, асл ҳаёт мазмуни ўзини қўзлаб тоат-ибодат қилишда, ўзини гуноҳлардан сақлаш, фориғлантиришда эмас, балки халқ манфаатларини ўйлашида, эл дарди, ғам-ташвишларини енгиллаштиришга ўзини бағишлашида: “Худо сенинг тоат-ибодатингга муҳтож эмас, ўз бандалигингни қил, эзгу ном иста. Мусулмонлар ишини эт, мунгига яра. Худо руҳингга жаннат тўридан жой беради. Тоат-ибодат қиламан деб ўзингни одамлардан четлатма, одамлар орасида одамлардан ажралиб яшама. Агар халқнинг барчаси тоат-ибодат билангина шуғулланса, олам бузилади, барча ер бўшаб қолади. Одам боласи зурриётини барбод беради”.

Мутафаккир инсон муаммолари, инсонийлик масалаларини муҳокама қилар экан, ҳаёт мазмунини инсоннинг ўлими ва мангулиги билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилади, назарий умумлашмалар чиқаришга уринади. Унинг уқтиришича, айрим олинган одам ҳаёти қисқа, чекли ва, табиийки, у – ўлимга маҳкум. Инсоннинг шу чекли ҳаётдаги мақсади ўз номини абадийлаштиришдир. Бу эса унинг эзгу фазилатлари, амаллари орқали рўёбга чиқади: кимнинг номи мангу бўлса, унинг ўзи мангудир.

Асар “Ахлоқ ва одоб, таълим ва тарбия ҳамда маънавий камолотнинг йўл-йўриқларини, усулларини, чора-тадбирларини мужассамлаштирган, жам қилган қомусдир” [3.24]. Унда туркий халқлар ахлоқий менталитетининг бутун воқелиги: ахлоқий мезоний тушунчалар, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар, ахлоқий маданият, этикет ва бошқалар илк марта кенг қамровда ўз ифодасини топган.

Мутафаккир ахлоқий таълимотида бахт-саодат етакчи ўринни эгаллайди. Унингча, бахт-саодатга эришувнинг йўллари ва воситалари хилма-хил, жумладан, ахлоқий комиллик. Бахт-саодат инсоннинг, умуман, жамиятнинг эзгулиги, ҳалол-поклиги билан белгиланади. Мутафаккир таъкидича, бахт-саодат ўзгарувчан, у етишиб бўлмайдиган орзу сифатида намоён бўлади.

Бахт-саодатнинг калити, энг ишончли воситаси билим деб билган адиб бежизга китобнинг номини “Қутадғу билиг” қўймаган. Билим эзгулик билан айний, у – инсоннинг барча муваффақиятлари пойдевори. Билим – рўшнолик, билим – эзгу онтли дўст, билим – туганмас, ўғри олмайдиган бойлик, билим – ёмонликка йўл қўймас кишан. Шахс фақат билимларни чуқур эгаллаш билангина комилликка эришади. Маърифат туфайлигина

жамиятнинг ахлоқий муҳитини соғломлаштириш мумкин.

Унингча, ҳақиқий бойлик қалбнинг бойлиги; руҳдаги борлиқ, фақат маънавий борлиқ инсонни юксакликка кўтаради. Бу инсон ва жамият эзгу ҳаёт кечиришининг зарурий талабидир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий тарбия муаммолари соҳасидаги ўй-фикрлари, мушоҳадалари миқёси шу қадар кенг ва теранки, бунга тан бермасликнинг иложи йўқ. Унинг 6500 байтга яқин шеърий достонини ахлоқий қадриятлар маржони тавсифи дейилса, хато бўлмайди; ахлоқ ҳақидаги қуйма сатрлари қадимги туркий халқлар мақол, матал ва афоризмлари намуналарими ёки мутафаккирнинг ижод маҳсулими, аниқлаб бўлмайди. Муҳими, улардаги мазмуннинг ҳаётийлиги, замонавийлиги: меҳрибонлик – инсонийликнинг бош белгисидир; бу дунё моли шўр сув кабидир, киши қанча ичса ҳам қонмайди, тили намланмайди; қут кўчат кабидир, унинг асоси ҳам бўлади, кўнгил юмшоқлиги унинг илдизидир; қари сўзи йигитлар кўзидир; кеч ётиб эрта турувчи бахтига бахт қўшади; юрувчи киши йўлда уй қурмайди, кўчувчи киши нарсасини уйда қолдирмайди; уй олмоқни истасанг, қўшнини суриштир, ер олмоқни истасанг сувини суриштир; киримга яраша чиқимни монанд қил; гавҳар қадрини гавҳаршунос билади; тенгдош тенгдош учун кўрк; сўзлашдан эшитиш афзал; ўзингдан кетма, аслингга назар ташла; кўрар кўзнинг нури ўғил-қиздир ва ҳ.к.

Юсуф Хос Ҳожиб юқоридаги ахлоқий меъёр ва талабларда комиллик сифатларини кўради.

Ёшларни, ўғил-қизни ахлоқий тарбиялаш ота-она, бутун жамиятнинг энг муҳим вазифаси бўлиши кераклигига эътиборни қаратган адиб, буни болаликдан амалга оширишга чақиради. У ахлоқий тарбияда оилавий муҳитнинг, тарбиячининг, хусусан, отанинг роли бениҳоя эканини, бунда тарбияловчининг ўрнак, намуна бўлишини талаб қилади [4.240].

Асарни ахлоқий маданиятнинг энг муҳим унсурларидан бири бўлган муомала одобининг ўзига хос эталони дейиш мумкин. Унда турли табақа, тоифаларнинг ахлоқий муносабатларидаги ўзига хосликлар энг майда жиҳатларигача ёритилади. Ушбу китоб касбий одоб турлари ва унинг меъёрларини кенг қамровда ва чуқур акс эттирган дастлабки туркий қўлланма сифатида эъзозга лойиқдир. Маълумки, ҳар бир жамиятда ҳам жамият аъзолари ўзларининг табақавий, касбий бўлинишлари моҳиятидан келиб чиқиб, турли ижтимоий вазифаларни бажарадилар, бунда улар ўзи эгаллаган касб-корлари, мавқелари, имтиёзлари даражасида муомалага киришадилар. Муаллиф имтиёзли касб эгаларини ўз касбий бурчининг масъулиятини тўла ҳис этишлари ва уни виждонан бажариши зарурлигини алоҳида уқтиради. Касбий имтиёздан манфаати йўлида фойдаланмасликка чақиради.

Адибнинг меҳмонга таклиф қилиш, меҳмондорчиликка бориш, зиёфатда ўзини тутиш қоидаларини ўргатишга бағишланган боблардаги фикрлари, панд-насиҳатлари бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан ҳам ғоят қимматли ва кундалик ҳаётимиз дастуриламали бўлишга лойиқ.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилишида буюк аждодларимиз қолдирган маънавий мерос бебаҳо манба бўлганини уқтирган эдилар [5.93-94]. Фикримизча, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари ҳам ана шундай манбалардан бири бўлгани шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, Юсуф Хос Ҳожибнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ахлоқий қарашлари жаҳон халқлари реалистик маданиятининг, хусусан, туркий халқлар илғор ижтимоий-сиёсий, фалсафий тафаккурининг ривожида беқиёс аҳамият касб этган. Ҳозирда ҳам унинг ижоди маънавий меросимизнинг бебаҳо қадрияти бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар:

1. Кононов А.Н. Поэма Ю.Баласагунского “Благодатное знание” // Юсуф Баласагунский. Благодатное знание.- М.: Наука, 1983.- С.496-517

2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.- Т.: Халқ мероси, 1993.- 224 б.

3. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим). 2-нашри.- Т.: Фан, 1972.- 964 б.

4. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан.- Т.: Ўзбекистон, 1995. – 240 б.

5. Каримов И. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд.- Т..: Ўзбекистон, 1996.- Б.92-111

Андижон давлат университети,
2016 йил 10 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ф.Юлдашева)